



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 4 май, шанба №72 (1289)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЮКЛАР МАНЗИЛИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юборилаётган юклар Термиз-Хайратон кўприги орқали бир маромда ўтиб турибди. Ҳозиргача 170 минг тонна озиқ-овқат, дори-дармон, ёқилги, қурилиш материаллари дарёнинг нариги қирғоғига етказиб берилди.

Кейинги пайтларда ЮНИСЕФ юборган 125 тонна палатка, ўрта Осиё давлатлари, Россия ва Эрондан жўнатишган озиқ-овқат, металлургия ва химия саноати маҳсулотлари ўтказилди.

(ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами - 9 май - Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 57 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 9000 (тўққиз минг) сўм миқдорда бир йўла берилган пул мукофоти белгилансин.
2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда тўла-наҳшири таъминласинлар.


4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Раиси Тошкент шаҳри, 2002 йил 3 май

публикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказиш топширилсин.

И.КАРИМОВ

## «ПОЙТАХТ» МЕҲМОНЛАРГА МЎНТАЗИР

Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасининг ҳам энг йирик иқтисодий, маданий, маърифий маркази ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда истиқлол йилларида сайёҳлик, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилляпти. Жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналарнинг бунёд этилаётгани мазкур соҳалар ривожини таъминлашга хизмат қилади.



Шаҳарда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналари сони яна биттага кўпайди. Бу ерда «Пойтахт» меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Меҳмонхона пойтахт марказида - Амир Темури хиббони ёнида жойлашган. У «Моварауннахр» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси томонидан ўн ой мобайнида қуриб битказилди. Меҳмонхона 165 ўринга эга. Жаҳон андозаларига мос бу шинам масканда мижозлар учун барча қулайликлар яратил-

ган. Меҳмонлар «Poytaxt» яқинида «MIDORI» ва «BLISS» деб номланган ресторанда шарқона ва евро-пача таомлардан баҳраманд бўлсалар, «ROYAL» ва «VIVA» барларида сархил яхна ичимликларни истеъмол қилишлари мумкин. Бизнес марказида эса Интернет, электрон почта, факс алоқаси, техник мосламалар ижараси каби замонавий хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган юз ўринли зал ҳам мижозлар хизматига.

«Пойтахт» яқинида метро, супермаркетлар, банк, бизнес марказлари, хиббон, дам олиш масканлари мавжудлиги унинг яна бир қулайлигидир. Меҳмонхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар унинг ишга тушиши мамлакатимизда туризм ва сўзга хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлганлигини таъкидлади.

О.НОРБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.



### Касаба уюшма аралашуви билан

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят қўмитаси ваколати доирасида ҳаракат қилиб, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал этишга алоҳида масъулият билан ёндашмоқда. Сўнгги ойларида қўмитага фуқаролардан 22 та хат келди. Уларнинг асосий мазмунини ишдан қолган бўшатирилганлик, ойлик маош ва товон пулларини ундириб бериш каби масала муаммолар эди.

### ВАЗИФАСИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Жумладан, Пастдарғом туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Оймихон Мирзаеванинг аризаси жойида мутахассислар томонидан кўриб чиқилиб, у вазифасидан қолган бўшатирилганлиги ишончли тарзда кўрсатиб берилди. Ходим Меҳнат Кодексининг 111-, 275-моддаларига асосан аввалги ишга қайта тикланди, мажбурий бекор юрган кунлари учун маош ундириб берилди.

Биз Марказий банкнинг вилоят бошқармаси иқтисодчиси Зулфия Саидова билан ҳам суҳбатда бўлдик. У меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлиши касаба уюшмаларидан гоётда миннатдор. Боиси, мутасаддилар «штат қискарди» баҳонасида унга жавоб беришганди. Касаба уюшма ҳуқуқшуносларининг яқиндан ёрдами туфайли З.Саидова ҳам севимли касбига қайта тикланди.

Х.ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

### Хабарлар оқимидан

#### КОЛЛЕЖИДА КАФЕДРА ФИЛИАЛИ

Наманган муҳандислик-педагогика институтининг транспорт воситаларидан фойдаланиш кафедраси жамоаси шаҳардаги транспорт ва алоқа касб-хунара коллежи билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Шу йилнинг январ ойидан бошлаб бу ерда мазкур кафедра филиали фаолият кўрсатиб келяпти. Институт ўқитувчилари учун кафедра, 2 та ўқув ва 3 та тажриба-амалиёт хоналари ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда Жанубий Кореянинг жаҳон андозаларига мос ўқув техника ускуналари, «ДЭУ», «Хундай», «Киа-моторс» компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган автомобиллар мавжуд. Кўргазмали воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ва талабаларнинг билимларини чуқурлаштиришда кафедра олимларининг ҳиссаси катта бўляпти.

#### ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Наманган вилоятида мамлакатимизда биринчилар қаторида «Иш билан таъминлаш маркази» очилди. Вилоят марказининг Соҳилбўйи даҳасида жойлашган бу масканда вақтинчалик иш билан таъминлаш учун ҳар тарафлама кўмак кўрсатилади. Келганлар рўйхатга олинди, касб-корлар суриштирилади. Шунга қараб, сўраб келган аризаларига ва ташкилотларга тарқатилади. Шуниси муҳимки, буларнинг бари бепул бажарилади.

Фуқароларни иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг тарихий қисмидир. Бу борада Наманган вилоятида катта ишлар қилинмоқда. Яқинда Уччи туманида меҳнат бўлими, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ижтимоий кўникма маркази ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркаси фикримизнинг исботидир. Унда 32 та корхона ва ташкилот 205 та ишни ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада қатнашган 312 йигит-қизнинг 105 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 108 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтириш учун рўйхатга олинди.

Шу кунги тадбиркорлик билан шугулланувчи хунараманд аёллардан бир гуруҳи ўзлари ишлаб чиқарган саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасини ҳам намойиш этдилар.

## МЕҲНАТКАШЛАР СОҒ БЎЛСИН ДЕБ

Жорий йил бошидан буён республикамиз касаба уюшмалари шифохоналарида кекса меҳнаткашлар даволаниши учун махсус бўлимлар очилди. Тошкент вилоятининг «Бўстон» санаторийсида 60 ўринга, «Ботаника» санаторийсида 30 ўринга мўлжалланган ва барча кераклик тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган ана шундай бўлимлар ташкил этилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси меҳнаткашлар соғлигини мустаҳкамлашга янада катта эътибор қаратмоқда. Бунинг учун эса барча шарт-шароит яратилмоқда. 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилинган касаба уюшмалари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу кексаларга нафақат ишлаб чиқаришда, турмушда эътибор қўриштириш, балки уларнинг саломатлиги тўғрисида ҳам ҳўрлик қилиш демакдир. Бу борада санаторийлар

ва дам олиш уйларига эга бўлган касаба уюшмалари катта рол ўйнаяпти. Курортлар бошқармаси бугунги кунда 18 та санаторий ва 2 та дам олиш уйига эга. Ушбу дам олиш масканларининг кўпчилиги кўп тармоқли бўлиб, уларда меҳнаткашларни даволашда шифобахш лойлар, минерал сувлардан фойдаланилмоқда. Бу ердаги замонавий тиббиёт ва таъшиқ қўйиш ускуналари тиббиёт ходимларига самарали ёрдам бераёпти.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 1400 нафардан зиёд кекса ёшдаги кишилар бу каби шифохоналарда ўз

соғлигини тиклади. Фахрийларнинг дам олиши ва даволаниши учун кетадиган сарф-харажатларни касаба уюшмалари ўз зиммасига олмақда. Республика Касаба уюшмалари федерацияси томонидан Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган дастур босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурни амалга оширишда курортлар бошқармаси ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, меҳнаткашларни комплекс тарзда соғломлаштириш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Яқинда касаба уюшмалари курорт бошқармаси «Интеркасабаушмакурорт» халқаро уюшмасининг дипломига сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас.

(ЎЗА).

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифадан келиб чиқиб

Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Бадий академия, Композиторлар уюшмаси, Давлат матбуот қўмитаси, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси

### «Қариялар - юрт кўрки, зийнати»

деб номланган энг яхши публицистик ва бадий асарлар танловини эълон қилади.

- Узоқ умр кўриш улуғ неъмат эканлиги;
- кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим, ҳамдард-ҳамнафас ва сунячиқ эканлиги;
- кексаларни эъзозлашдек азалий-миллий қадриятларимизнинг боқийлиги;
- бобожону-бувижонларимиз Ватан, халқ, мустақил мамлакат манфаатлари, шаъни-шавкати учун ёшлар билан ҳамқадам, қўйиб-пишиб, курашиб яшаётгани;
- тиниб-тинчимаслиги, соф қалби, эзгу ниятлари, гўзал фазилатлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётган ажойиб нуроний отахон ва онахонларимиз сиймоси ёрқин образ ва бўёқларда, хилма-хил шаклларда ва таъсирчан услубларда акс эттирилган энг яхши наслрий, шеърый, муסיқавий, тасвирый ва публицистик асарлар танловга қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асарлар 2002 йил давомида матбуотда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бўлиши шарт.

Асарлар Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида шу йилнинг 15 ноябрига қадар қабул қилинади (Тошкент, Навоий кучаси, 30-уй. 2-қavat. 37-38 хона. Тел.: 144-64-62, 144-37-87).

Танлов голибларини 2002 йил Конституция куни арафасида катта совринлар кутади.

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

Вашингтонда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл, Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, Испания ташқи ишлар вазири Хосе-Сеп Пике, Оврупа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана учрашув ўтказдилар. Унда Яқин Шарқдаги умумий вазият муҳокама қилинди. Мазкур шахсларнинг аввалги мулоқоти 10 апрелда Мадридда бўлган эди.

### ТУРКИЯ ҚАРОРИ

Шу йил июнида Буюк Британиянинг Афғонистондаги тинчликпарвар кучларга қўмондонлик қилиш ваколати тугайди. Шу муносабат билан Туркия ушбу вақифани ўз зиммасига олишга шай эканлигини билдирди. Бундай ваколат манфаатдор томонлар ва

### БМТ билан бўлиб ўтадиган мулоқотларда ҳал этилади.

АРОФАТ МУЛОҚОТЛАРИ  
Яқинда Исроил Мудофаа вазири Биньямин Элиезернинг Фаластин миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофатнинг қамал ҳолатидан озод этилганлиги тўғрисидаги ахбороти эълон қилинган эди. Шундан сўнг Ё.Арофатнинг қароргоҳи жойлашган Рамаллоҳдан Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетиши ҳам айтилди. Шундан сўнг чоршанба ва пайшанба кунлари Ё.Арофат чет эл дипломатия ваколатхоналари ходимлари билан кўллаб учрашувлар ўтказди. Унда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва Исроил билан Фаластин муносабатларини ижобий изга солиш масалалари ўртага ташланди.

### ЎВУЗ РЕЖА ФОШ ЭТИЛДИ

Олмония полицияси «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳининг янги режаларини фош этувчи маълумотларни кўлга киритишга муваффақ бўлди. Унда Олмония, Франция ва Англияда юзлаб кишиларни кино-театрларда ва черковларда гаровга олиш режалаштирилган экан. Террорчиларнинг мақсади Овруподаги хибсхоналарда ётган шерикларини озод қилиш бўлган.

### СЕССИЯ ҚИШУНЛАРИ ШАРҲЛАНМОҚДА

Яқинда Австрия пойтахти Венада БМТ жиноятчиликнинг олдини олиш комиссиясига аъзо давлатлар вакилларининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтган эди. Айни кунларда сессияда қўрилган масалалар ва маърузалар жаҳон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда. Зотан, анжуманда

иштирок этган 40 дан зиёд мамлакатлар вакиллари террорчилик, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик ҳамда коррупцияга қарши кураш муаммолари хусусида турли-туман фикрлар билдирган эдилар.

### АЖАБО!

Беш соатлик тўғоқдан сўнг Руминиянинг Боташан вилоятидаги Ватра қишлоғида яшовчи дехқоннинг совлиги кўзилади. Аммо... кўзичоқ гайриоддий бўлиб, икки бошли эди. Азалдан чорвачилик билан шугулланиб келган ҳамқишлоқлар бундай гаройиботни ҳанузгача кўрмаган эдилар. Ветеринар Штефан Лефтернинг айтишича, бунга тобора ёмонлашиб бораётган экологик муҳит сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.





ДУШАНБА 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлинома».

20.00 «Время».
20.35 «Рус рулеткаси». Телеуйини.
21.35 «Халлар ороли». Сериал.

ЧОРШАНБА 8
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

ПАЙШАНБА 9
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

ЯКШАНБА 12
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

**Хинд миллий кийимида юрайдиган бу аёлни шаҳар кўчаларида учратмай кўйганимга анча бўлди. Тасодифан Наманган Матбуот Уйи биносига кираверишда ташкил этилган суратлар кўргазмасида расмини кўриб қолдим ва суратларим. Шу пайт ҳамма нарсадан огоҳ бўлиб юрайдиган ҳамкасбларимдан бири:**

## НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ ХИНД ОИЛАСИ

— Мен яхши танийман. Угли Амирхон фалон жойда ишлайди, - деб айтди. Каранги, оқ юзли, тим қора қош, нигоҳлари мунгли туюладиган барваста қоматли бу йигитни мен ҳам билардим.

— Ҳеч хинд боласига ўхшамасиз, - дедим ҳазиллашиб Амирхон билан суҳбатлашганимизда. - Фақат кўзларингиз сал эслатиб туради.

— Ухшамаслигим табиий, - йигит оппоқ тишларини кўрсатиб жилмаяди.

— Ахир, мен ўзбек ўғлониман. Отам ўзбек. Томиримда шу миллат қони оқяпти. Кўзларимга келсак, бошқалар ҳам шунақа дейишади.

Онасининг саломатлигини суратларим.

— Минг шукурки, соғомон юриптилар, - жавоб қайтарди Амирхон. - Волидаим ҳамиша миллий кийимда юрганлари боис, шаҳарнинг каттадан-кичигигача таниб қолган, шунгаям хурсанд бўламиз. Кўринмаётганликларига сабаб ёшлари бир жойга бориб қолди, бу йил саксон тўртга қиярптилар. Негадир автомобилда сайр этишни хохламайдилар. Пиёда шаҳар кезишга эса оёқлари ярамаепти.

хам унинг касрига совуқ ўлкаларга бадарга қилинадиган ёки ўзи хибсога олиниб, азоб-уқубат чекиб, қамоқда ўлиб кетадиган. Бир куни у оила аъзоларини тўплади:

— Мен кетмасам, сизларни ҳам азобга қўядиганга ўхшайман, - деди кўзда ёш билан. - Тўполонлар тинчиса, кўришармиз. Аҳвол шу зайдда давом этса, дийдорни қиёматга қолдириқ.

Кейин рафиқасига қараб деди:

— Розилик бёрсангиз, кенжатоимми олиб кетаман. Вақти қазом етса, ўз кўллари билан ерга қўяра бир ҳовуч тупроғимни Наманганга келтирар. Тун яримлаганда ота-бола йўлга чиқишиди. Йўл юрсалар ҳам мўл юришиди. Болшовойлар чегарадан ўтмоқчи бўлаётганларни ёш-қариллигига қарамасдан аёвсиз ўққа тутишаётганлигини эшитишиб, узоқ кунлар тоғ-тошларни, дашт-адирликларни, кимсасиз чўлларни дарбадар кезишиди. Ниҳоят, бир ой деганда кемачига алинб-ёлвориб ва катта пул эвазига Амударёнинг нариги соҳилига ўтиб олишиди.

## Садоқат васфи

роз Жаҳон кизини келинликка танлади. Икки ёшнинг никоҳ тўйлари мусулмончилик расм-русумлари

лар оқиб ўтди. Баҳор ёзга, ёз кузга, куз эса қишга ўрин бўшатди. Гиёсиддин ака ҳам ёшларини яшаб бандаликни баҳо келтирдилар, орзулари амалга ошиб хоклари она тупроқдан жой олди. Олти фарзанд худди ота-оналари сингари меҳнатқаш, ўзларига меҳрибон, элга сояси тушадиган инсонлар сифатида вояга етишди. Мухими, ота юртда ўсиб-ундилар, кўллари олий ва ўрта махсус ўқув юрталарини тугаллаб, мутахассислик эгаси бўлишди. Тўнғич фарзанд Анвар пойтахтда масъул лавозимда. Меҳринисо ая аллақачон меҳнат нафақасида. Жамолхон, Камолхон, Арслон, Амирхонлар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишган.

— Сарфароз онамиз ўзбекчани сув қилиб ичиб юборган бўлсалар керак?



Эгизаклар

# ШАҲНАВА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

санг мендан салом етказ ва умрим охиригача унга содиқ қолганимни билдир! Бир ҳовуч тупроғимни олиб кет!

Ота насихатларини дилга жой қилган йигит ўша кунлар келишлигини Яратгандан сўраб илтижо қилди. Ўзбекистонга қайтиш истаги борлигини баён этиб Дехлидаги Шўролар элчихонасига кетма-кет мактублар йўллади. Узоқ йиллар илтимослари инобатга олинмади. Ниҳоят кеч куз кунларида, Гиёсиддин Турсунбой ўғлини шаҳар департаментига чақирди...

Эрта баҳор кунларида «ИЛ-18» самолёти Дехлидан Ташкент сари парвоз қилганидан сўнг охишлатиб билан Ўзбекистон пойтахти тайёрагоҳига келиб қўнди. Бу ерда Гиёсиддиннинг жигарғўшалари интизорлик билан кутишаётган...

Гиёсиддин ака келган кунининг эртасигаёқ пада-ри бузрукворининг васиятини адо этди. Қабридан олинган бир кафт тупроқни боболари ва момоларининг муқаддас хоки узра авайлаб тўқди. Лекин... лекин васиятнинг иккинчи қисмини бажаришга улгурмади... Дунё ишларининг қизиқлигини ва ажабтовурлигини қаранги, хабарлашгандай, айнан эри вафот этган йил ва ойда оналари ҳам тўқсон ёшларидан оламдан ўтибдилар. Бу маъсума аёл ҳам ёстиқдошига берган ваъдасининг устидан чиқиб йигирма беш ёшидан ёлғиз яшадилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Хотира уйғонса гўзалдир

## УСТО ХУДОЙБЕРДИ СУЛОЛАСИ

Бешкентда туғилиб, бор-йўғи 38 йил умр кўрган, Иккинчи жаҳон урушида уч марта ярдор бўлиб, галаба билан қайтган Худойберди Каттаев хотираси ҳамқишлоқлари, фарзандлари қалбда абадий сақланади. Қисқа умр кўрган бўлсада у ўзининг асрларга татигулк ишлари билан ҳамон эл қалбида, ардоғида.

— Худойберди отанинг дастаси бақувват пойтахтга бўларди, - деди унинг шогирди Хазратқул Бердиев. — Одамларнинг пешайвонлари борми, дарвозалари борми бир пасда ясаб, сайқал берарди. Устознинг бажарган ишларига қараб кўз қувнардим. Пешонасига қийқичани боғлаб, тинмай ишларди. Эҳ-ҳе устозим кўрган иморатлар қанча кўл эди.

— Худойберди Каттаев Гофир Чориев, марҳум Бобохон Турсун, Турсун Худойбердиев сингарилар номдор усталарнинг шогирди бўлган. Қолхозда аравасозлик устaxonаси бўлиб, бу ердан одам аримасди. У қўли гул аравасоз уста эди, - эслашади қишлоқдошлари.

Худойберди отадаги яна бир нозик истеъдодни таъкидлаб ўтиш лозим. Тўнғич фарзанди Очил Каттаевнинг таъкидлашича, у киши тиббиётга ҳам қизиққан тиш даволашни ҳам пухта ўзлаштирган.

Янги ерларни ўзлаштириш, сув чиқариш учун имкониятлар изланаётган пайтларда Бешкентда биринчилардан бўлиб усто Худойберди чархпалак ясаб, қўриқ ерларга сув чиқаришда кўмаклашган. Ўзи ҳам боғ яратиш эл дастурхони тўқинлигига ҳисса қўшган. У барло этган боғ мевасидан одамлар ҳалигача баҳраманд бўлишмоқда.

— Отам раҳматли Бухородаги тарихий мажмуаларнинг устунларини тайёрлашда ҳам бевосита иштирок этган эканлар, - дейди тўнғич ўғли Очил Каттаев. — Айни пайтда унинг қўлида жило топан буюмларни кўз қорачиғимиздек сақлаяпмиз. Бир пайтнинг ўзида табиблик, устачилик ва боғбонлиқни урдалаган отам билан фахрланамиз. Худойберди Каттаевнинг 4 ўғли 2 нафар қизларидан бир этак набиралари бор.

«Тарозимачит» маҳалласидаги кўчаларнинг бири Худойберди Каттаев номи билан аталади. 132 оила истиқомат қилаётган кўчанинг ободонлаштириш ва кўкчаларини яшилдириш ишига унинг фарзандлари бош-қош. Шунини таъкидлаш керакки, Худойберди Каттаевнинг фарзандлари ота касбини улуғлаб, эл олқисини олишмоқда. Тўнғич ўғли қўли гул уста, ҳамда шифокор Исомиддин муҳандис, боғбон, Қовмиддин тиш доктори. Анвар тадбиркор. Улар эл-юртга ҳалол хизмат қилишмоқда.

Ш. СУЛТОНОВ.

Суратда: ота-онанинг суратлари фарзандлар хотирасида абадий сақланади.

## Турфа олам тиш давоси

Япониялик биокимёгарлар «қўқ чой оғизни тозалайди» деган мақолнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдилар. Ҳақиқатан ҳам, қўқ чой дамламаси тишнинг эмал қатламини кемираётган микроорганизмларнинг кўпайишини ва ўсишини тўхтатар экан.

Текширувчиларнинг таъкидлашича, полифенол бирикмаларидан айниқса галлокатехин алоҳида химёо воситасини ўтар экан. Агар овқатдан кейин ҳар гал бир пиёла қўқ чой ичсангиз, шунинг ўзи тиш емирилишининг олдини олиш учун кифоя.

— Сиз ҳам хинд тилини биласизми?

— Қизикми, ака, - Амирхон ҳам норози, ҳам хайрон бўлгандек қошларини чимирди. - Онам хинд-ку! Шундай бўлгач, нега билмас эканман. Қолаверса, икки ёшимгача Ҳиндистонда яшаганмиз. Ўша ёқда тилим чиққан. Ўзбекистонга кўчиб келганимиздан кейин ҳам анча йилларга оиламизда хинд тилида гаплашганмиз. Вақт ўтиши, турмуш тақозоси билан ўзбекчани ўрганиб кетдик. Раҳматли отамиз ҳам ёшлиқдан хинд тилида гаплашганлар. Негаки, улар Ҳиндистон тупроғига қадам босганларида гоят ёш эдилар-да...

Ҳақиқатан Амирхоннинг падалари бузруквори Гиёсиддин ўша кезларда етти ёшга ҳам етиб-етмаган норасида эди. Йигирманчи йилларда инқилоб аллақачон олис Туркистоннинг чекка Наманганига ҳам етиб келган, елкасига бешотар осган болшовой аскарлари шаҳар қишлоқларнинг тит-питини чиқараётган эди. Наманганнинг таникли мулкдорларидан саналмиш Турсунбой тўранинг неча ўн таноблаб ерлари, юзлаб мол-қўйлари, ҳашаматли уй-жойлари ва санюат шохобчалари мусодара қилиниб, ўзлари шаҳар четидagi кўш тиги тушмайдиган пастаккина зах қулбага қўниб ўтишди. Болшовойларга булар камлик қилгандек мулкдорларни сургун қилиш бошланди. Турсунбой тўра қарасаси, оиласи

қандай ҳолатда жойлашганини кўрган қариянинг хафсаласи пир бўлган. Сабаби, бу шакл-шамойиллар унга шохмат ўйнашда халақит бераётган экан. Шунинг учун ҳам қария шохмат тахтасига қарамасдан донна сурғини афзал билди.

**БИР ВАҚТДА БИР НЕЧА РАҚИБЛАР БИЛАН**

Жаҳонга машхур шохмат устаси Поль Морфи XIX аср ўрталарида бир вақтнинг ўзида бир неча рақиблар билан ўйнаган. 1858 йили Париждаги машхур қаҳвахоналардан бирида ўтказилган сеансда Морфи ва рақиб шохматчилар ўртасидаги ўйинлар ўн соатдан кўпроқ вақт давом этган. Эйтиборлиси, Поль Морфи барча рақиблари устидан галаба қозонган.

Россиянинг биринчи жаҳон чемпиони, шохмат даҳоси Александр Алёхин ҳам доналар жойлашуви, вазиятларни кўрмай туриб 32 тахтада бир йўла ўйнаган. Унинг бу галги рақиблари немис гестапочилари, офицерлари эди. Бу воқеа 1933 йили Чикаго шаҳридаги жаҳон кўргазмаси

Иккала вазиятда ҳам оқлар юришни бошлаб, дурангга эришади.

## Шунақаси ҳам бўлади ҲАҚИНИ БЕРМАДИ

Табият мўъжизаларга бой. Бу турфа оламда инсоният ақл бовар қилмайдиган қанча воқеа-ҳодисалар дуч келмаган дейсиз.

Ўзим гувоҳ бўлган ана шундай бир кичик воқеа ҳақида табиат шайдолари билан ўртоқлашгим келди. Хизмат сафари билан чекка хўжалиқлардан бирига бораётиб, адирликда автобусдан тушиб қолдим. Ёзининг жазирама қўллари эди ўшанда. Суви қуриб қолган ўқаридан ўтиб, тепаликка кўтарилган ҳам эдимки, кўзим бир тупроқ уюми атрафчида гимирилаётган гул-ғуж чумолиларга тушди. Қўлимдаги газетани бошимга соябон қилиб, уларнинг ҳаракатини кузата бошладим. Қизик, айрим чумолилар инини чикиндилардан тозалаш буюрилгандай тупроқ заррачаларини сиртга ташиб чиқариши билан овора бўлса, қолганлари қаердандир, ўзларидан 2-3 марта оғир келадиган донни уяга ташиб келтирмоқда. Шунда сал нарида бугдой донини оғзида тишлаб келатган чумолининг кумурска билан тўқнаш келиб қолганига кўзим тушди. Улар ўртасида тортишув, роса бешолти дақиқача давом этди. Чумоли рақибига насибасини олдириши келмай, жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатар, кумурска эса донни унинг оғзидан юлиб олиш илтижида. Охири чумоли оғзидаги донни ташлаб хумурга ўтди. Токинтомқоқ кумурска жазаосини олди. Чумолининг ҳамласига чидаолмай, ҳалок бўлди. Фолиб чумоли эса насибасини олиб инига шошилди. Инига наватма-нават кириб чиқарган чумолиларнинг ҳақиқатан ҳам фанда тан олинганидек, меҳнатқаш эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдим. Қўйингчи, қанча кузатган бўлсам, биронта чумолининг ўз уясига оғзи буш кириб-чиқарганини кўрмадим.

Х. ЯХҲЕВ.

## ҚАРАМАЙ ЎЙНАШНИ АФЗАЛ БИЛГАН ҚАРИЯ

Кўзи ожиз кишининг шохмат ўйнаганини эшитганимиз? 1860 йили франциялик кўзи ожиз қария хотирасига ишонган ҳолда донна сурғини, барчани хайратга солган эди. Қаранги, у 60 ёшга кирганида, кутилмаганда кўзлари очилди. Шуниси кизиқки, ана шундан сўнг шохмат доналарининг қайси катакда,

## Шохмат оламида

да содир бўлди. Сеанс ўн икки соат давом этиб, А.Алёхин 19 та тахтада ютган, 9 тасида дуранг натижа қайд этилган ва

4 тада мағлубият. Венгриялик уста шохматчи Янош Орлеш эса Будапештда бирварақайига 52 тахтада ўйнаб, унгача аргентиналик Микель Найдорф томонидан ўрнатилган рекорднинг янгилаган. Я.Орлеш 31 ўйинда галаба, 18 тасида дуранг, 3 тасида мағлуб бўлган.

1937 йили польшаллик Б.Калтановский Эдинбург шаҳрида 34 нафар рақиб билан «жанг» олиб бориб, уларнинг 24 тасини

## Анвар ИНОКОВ, шохмат бўйича спорт усталлигига номзод.

Ўзбекистон енгил, меҳнат санюати ва коммунал-манший хизмат ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси Жиззах вилоят тармоқ касабаси уюшма кўмитаси раиси Комилжон Ҳақбердиевга волидаи муҳтарамаси

**ХУРРАМОЙ АЯНИНГ**

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Жиззах вилояти касабаси уюшмалари Кенгаши енгил, меҳнат санюати ва коммунал-манший хизмат ходимлари касабаси уюшма вилоят кўмитасининг раиси Комилжон Ҳақбердиевга волидаи муҳтарамаси

**ХУРРАМОЙ АЯНИНГ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

# ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

## Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди 22.30

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.